

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**«Дехқонобод қалий заводи» акциядорлик**  
**жамияти**  
(эмитентнинг номи)  
**ягона акциядори «Ўзқимёсаноат»**  
**акциядорлик жамияти бошқарув раиси**  
**Ж.Г.Мирзамахмудов**



**«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»**  
**Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги**  
**Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси**  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)  
**Худудий бошқарма бошлиғи С.З.Рўзиқулов**

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколати шахсийн навозими, Ф.И.Ш., имзо)  
2021 йил «14» апрел D 0290-3 сон  
(сағат)



**АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**  
**«Дехқонобод қалий заводи» акциядорлик жамияти**  
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:

R U 1 0 3 0 0 2 9 0 T 2

**Эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги 1 604 353 917 908 (бир триллион олти юз тўрт миллиард уч юз эллик уч миллион тўккиз юз ўн етти минг тўккиз юз саккиз) дона акциялар номинал**  
**киймати 1 (бир) сўм.**  
(акциялар тuri va soni, уларни чиқариш шаки, номинал киймати кўрсатилади)

**Акциялар ёпик обуна йўли билан жойлаштирилади.**  
(акцияларни жойлаштириш усулни кўрсатилади)

**Акцияларнинг ушбу чиқарилиши учинчي чиқарилишидир.**  
(чиқарилишинга тартиб раками)

**Тасдикланган: «Дехқонобод қалий заводи» акциядорлик жамияти ягона акциядорининг 2021 йил “ ”**  
“ ”**даги Қарори билан**

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги карорини тасдиклаган органи кўрсатилади)

**«Дехқонобод қалий заводи» акциядорлик жамияти ягона акциядорининг 2021 йил “13” “апрел” даги**  
**Қарори асосида.**

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги карорни кабул килган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулокот телефонлари ва электрон почта манзили – 180405,  
Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани.  
Телефон: (+998 75) 612-50-05, электрон почта манзили – info@uz-potash.uz

Эмитентнинг раҳбари:



Курбонов Ойбек Абдузатторович

(Ф.И.Ш., имзо)

Жумаев Самариддин Зиядуллаевич

(Ф.И.Ш., имзо)

Сана: 2021 йил “13” “04”

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури – оддий.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли –**хужжатсиз**.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати – **1 (бир) сўм**.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони – **1 604 353 917 908** (бир триллион олти юз тўрт миллиард уч юз эллик уч миллион тўққиз юз ўн етти минг тўққиз юз саккиз) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми - **1 604 353 917 908** (бир триллион олти юз тўрт миллиард уч юз эллик уч миллион тўққиз юз ўн етти минг тўққиз юз саккиз) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг хукуқлари – **Жамиятнинг акциялари эгаси қўйидаги хукуқларга эга:**
  - Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
  - ўзига таалуқли депо хисобварағидан кўчирма олиш;
  - Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
  - Жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;
  - акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
  - Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
  - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукуқларини ҳимоя қилиш;
  - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
  - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш максадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
  - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
  - ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;
  - Жамият акциялари берадиган хукуқларни (хукуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш.
  - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият устави билан белгиланган бошқа хукуклар.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги карордаги ҳар қандай чеклашлар – Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан Жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас. Жамият устав капитали ўз капитали хисобидан кўпайтирилётганлиги муносабати билан ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Жамиятнинг ягона акциядорига жойлаштирилади.
8. Жамият устав капиталининг миқдори – **697 039 006 407** (олти юз тўқсон етти миллиард ўттиз тўққиз миллион олти минг тўрт юз етти) сўм.
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади)  
– **697 039 006 407** (олти юз тўқсон етти миллиард ўттиз тўққиз миллион олти минг тўрт юз етти) дона хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.
- 10.Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – Жамият томонидан илгари облигациялар чиқарилмаган.
- 11.Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.  
11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):  
(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).  
Ушбу чиқарилишдаги акциялар 2021 йил “      ” “      ” холатига шакллантирилган «Дехконобод калий заводи» акциядорлик жамияти акциядорлари реестрида рўйхатга олинган ягона акциядор – «Ўзқимёсаноат» акциядорлик жамиятига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

## **11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштиришининг муддати:**

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштириши бошлиш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириши муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириши муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатсан ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

**Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан амалга оширилади.**

Акцияларни жойлаштиришни бошлиш санаси – Акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган сана, бироқ давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим.

## **11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштиришининг тартиби:**

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштиришишининг боришида фуқаролик-хукуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириши амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириши эмитентга акцияларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қозозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қўйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;  
профессионал фаoliyati амалга оширишига доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиши муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

убуду шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қозозларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгилangan муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгilaш тартиби.)

Акциялар ёпиқ обуна усулида «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятига ягона акциядори - «Ўзқимёсаноат» акциядорлик жамиятига жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилмаган биржадан ташқари бозорида акцияларни олди-сотди битимлари тузилмасдан амалга оширилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган хукукларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-хукукий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефоны:**

**Жамият акцияларига бўлган хукукларни ҳисобга олиш, «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.**

### **Марказий депозитарий хақида маълумот:**

Номи – «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси;

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107-үй;

Телефон – 71 267-37-42, Факс: 71 267-36-42.

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукукини амалга ошириш тартиби:**

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукуқ тақдим этилган тақдирда қўйидагилар кўрсатилади:  
бундай имтиёзли хукуқка эга шахсларнинг рўйхати тузилсан сана (санани белгilaш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукукини амалга ошириши эҳтимоли тўғрисида билдириши тартиби;  
жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукукини амалга ошириши тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукуқдан фойдаланиш кўзда тутилмаган.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгilaш тартиби:**

(Акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириши баҳосини белгilaш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштириша акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли хукуқка эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириши баҳосини белгilaш тартиби кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги акцияларга Жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан ҳақ тўланаётганлиги сабабли акциялар номинал қийматида, яъни 1 сўмдан жойлаштирилади.

## **11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирлиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжаслар (мол-мулкни қабуғ қилиши – топшириши далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;  
баҳоловчи фаoliyati амалга оширишига доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиши муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)

Акциялар учун тўлов Жамият устав фондини ошириш Жамиятнинг устав капиталида “Ўзкимёсаноат” АЖнинг улуши 1 604 353 917 908 сўмга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби – Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади:

«Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти томонидан ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда мухим фактлар ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан корпоратив ахборот ягона порталаида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ва Жамиятнинг расмий вэб-сайтида ([www.uz-potash.uz](http://www.uz-potash.uz)) эълон қилинади. Шунингдек, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўловига йўналтирилган маблағлар тегишли бухгалтерия ўтказмалари орқали қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан кимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Кимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (мухим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун хужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Ахборот-маълумот тизими манзили – [www.uz-potash.uz](http://www.uz-potash.uz), [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz).

Жамиятнинг кимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли билан Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Бешбулоқ манзили бўйича жойлашган «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти биносида, нусхаси билан эса Жамиятнинг веб-сайтида (<http://www.uz-potash.uz>) танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

13.1. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

Корхонанинг хос рақами КТУТ (ОКПО) – 21983917;

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – 20151;

МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – 213;

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами (СОАТО) – 1710212;

TXШ бўйича ташкилий – хукукий шакли (КОПФ) – 2800.

13.2. Эмитент солиқ органининг номи ва СТИР:

Деҳқонобод тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР – 206 887 857.

«Dehqonobod kalyu zavodi» aksiyadorlik jamiati  
ning kimmagti когозларни давлат рўйхатидан  
ўтказишга тақдим этилган муржаглари  
4 варагда. Илланди ва мурадлари  
Бошкарув раиси  
О.Курбонов